



қилганларида сафар чоғида уч кунгача махсига масх тортиб юришни амр қилганлар.

Аммо жунуб бўлиб, ғусл вожиб бўлиб қолганда эса махсини ечишни амр қилганлар.

Масхнинг муддатини ҳисоблаш махсини кийгандан эмас, уни кийгандан кейин биринчи марта таҳорати кетган вақтдан бошланади.

**Унинг синдирувчиси: 1. Таҳоратни синдирувчи нарсалар; 2. Муддатнинг чиқиши; 3. Товоннинг кўпи қўнжигача чиқишидир.**

Махсига тортилган масхнинг синдирувчиси қуйидагилар:

1. Масх тортиб юрилганда таҳорат синиши билан масх ҳам синади.
2. Муқим масх тортганидан кейин биринчи таҳорати синган вақтдан бир кечаю бир кундуз ўтиши билан масхи ўз-ўзидан синади. Ўша пайтда таҳорати бор бўлса ҳам, масхи синади. Шунингдек, мусофирнинг масхига уч кечаю уч кундуз тўлганда унинг ҳам масхи синади.
3. Махсига масх тортиб юрган одамнинг товонининг кўп қисми махсининг қўнжи томонга чиқиб кетса ҳам унинг масхи синади.

**Икки(нчи ва учинчи) нарсадан кейин фақат икки оёқни ювиш вожиб бўлади.**

Яъни, муддати ўтганда ёки товони қўнжидан чиқиб кетганда таҳорати бўлса, махсини ечиб, оёғини ювиб олса кифоя қилади. Аввалги масх тортиб қилган таҳорати мукамал бўлиб қолаверади.

Масхнинг бизнинг матнда зикр қилинмаган синиш ҳолатлари ҳам бор:

1. Жунуб бўлганда.

Махсига масх тортиб юрган одам жунуб бўлиб қолса, масхи синади. У махсини ечиб, тўлиқ ғусл қилиши лозим бўлади.

2. Бир пой ёки икки пой махсини ечганда.

Масх билан юрган одам оёқ кийимини ечган пайтда таҳоратли бўлса, оёғини ювиб олиши керак. Акс ҳолда таҳорати синади.

3. Махсида учта бармоқ чиқиб қоладиган даражада йиртиқ пайдо бўлса ҳам масҳ синади.

4. Бир оёқнинг кўп қисмига сув тегса ҳам масҳ синади.

Масҳни пойабзалдан оёқнинг кичкина бармоқларидан учтаси кўринадиган миқдордаги йиртиқ ман қилади. Бир пой махсидаги йиртиқлар жамланади, икки пойиники эмас.

Бир пой махсидаги йиртиқларни жамлаганда оёқнинг кичик бармоқларидан учтаси миқдорида йиртиғи бор махсига масҳ тортиб бўлмайди.

Бир кеча-кундуздан аввал муқим сафар қилганда ёки аксинча (мусофир муқим) бўлганда, охиргиси эътиборга олинади.

Бир одам муқим ҳолида махсисига масҳ тортди. Кейин сафарга чиқиб қолди. Бунда сафар ҳоли эътиборга олинади ва масҳи уч кечаю уч кундузгача синмайди.

Биров сафарга чиқди. Сафарига бир кечаю бир кундуз ўтмай туриб, муқим бўлиб қолди. Бу ҳолда бир кечаю бир кундуздан кейин масҳ синади. Сафардалигида бир кеча-кундуздан ўтган бўлса, муқим бўлиши билан масҳ синади.

Бу икки ҳолатдан кейин ечилади.

Муқим мусофир бўлганда ва мусофир бир кечаю бир кундуз ўтмай туриб муқим бўлганда, муддат тугал бўлиши билан махсини ечиб, агар таҳоратли бўлса, оёқ ювилади.

*(Тамом)*

**«Кифоя» китобининг биринчи жузидан**